



КИТОБХОНЛАРГА ТЎҒРИ АДАБИЁТ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Рано Қудайбергенова

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ахборот-
кутубхона марказининг мутахассиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15581259>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- May 2025 yil
Ma'qullandi: 28- May 2025 yil
Nashr qilindi: 31- May 2025 yil

KEY WORDS

кутубхоначилик, бадиий
адабиётлар, илмий адабиётлар,
ёш хусусияти, тўғри китоб
танлаш, китоб ўқиш
маданияти.

ABSTRACT

Мақолада бугунги ривожланган замонда ёш авлодда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг илмий асослари таҳлил қилинган. Ахборот технологиялари ривожланган бир даврда ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир. Шуларни инобатга оладиган бўлсак, замонавий ёшларнинг онги, тафаккур даражаси, фикрлаш оламини инобатга олиб, уларга қизиқарли адабиётларни тақдим этиш - бу кутубхоначининг энг асосий вазифасидир. Агар болага нотўғри китоб таклиф қилинса, болада китобга бўлган қизиқишнинг кескин пасайишига олиб келиши шубҳасиз. Ушбу илмий ишда шу каби айрим муаммоларга ечим излаганмиз.

Кутубхона инсоният учун маънавий маскани. Бежиз ота-боболаримиз китобни нондек азиз билиб, кўзига суртмаган. Нон жон озиғи, китоб рух озиғи. Инсоннинг буюк фазилатларга, хислатларга эга маънавий баркамол бўлиб етишишида эса китоблар, китобхонлик асосий ўрин тутди. Китобхонларга тўғри йўналиш бериш, болаларнинг ёш хусусияти, тафаккур оламини ўрганиш, эркин ва қулай муҳитда китоб ўқишга имкониятини яратиб бериш, Ёшларни китоб ўқишга йўналтириш билан бирга китоб ўқишига кўмаклашиш, ёш кўрсаткичларига қараб, турли асарларни ўқишни тавсия этиш, уларда китоб ўқиш кўникмаларини ҳосил қилиш, китобга бўлган қизиқишини сўндирмаслик кутубхоначининг асосий вазифасидир.

Ёшларда китобга бўлган қизиқишни ошириш, уларда тўғри китоб мутолааси маданиятини шакллантириш бугунги ривожланган мамлакатимиз олдида турган устувор йўналишлардан. Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев бир қанча вазифаларни белгилаб берди. Дунёдаги ҳар бир давлат, ҳар бир халқ биринчи ўринда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти ва маърифати билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният яратилишининг буюк кашфиёти - китоб ва китобхонларда, - дея нутқ сўзлар экан, президентимиз ўринли фикрларни билдиради.

Кутубхонадаги энг сара бадиий адабиётларни ёшларга тақдим этиш, уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишида, келажакда ўз ўринларини топиб, касб

танлашида тўғри йўналиш беради. Бадий адабиётлар инсон ҳаётидаги ташвишларни тўғри йўл билан ҳал этишда, қийинчиликларни осон йўл билан енгиб ўтишда кўрсаткич восита вазифасини ўтайди. Айтайлик, китоб инсонни ҳаётга тўғри тарбиялайди. Китобхонларда мутолаасига раҳбарлик қилиш жараёни бир-бири билан узвий боғлиқ ўзига хос рўйхатдан, яъни китоб - китобхон - кутубхонадан иборат. Ёшлар билан ишлайдиган кутубхоначи жуда кўп соҳаларни, айниқса кутубхоначилик педагогикаси, психология, технологияни яхши билиши уларни болалар адабиёти билан бирга олиб бориши керак.

Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш педагогика ва кутубхонашуносликнинг асосий тамойилларига таянади. Олим Э.Йулдошов ўз илмий ишида уларни қуйдаги учта асосий гуруҳга бўлиб ўрганади.

1. Методологик асосни яратиш тамойиллари: Ўқувчилар орасида замонавий билимларни оммалаштириш, китоб тавсиясини илмий асосда олиб бориш ва умуман ўқишга раҳбарлик қилиш, илғор тажрибалардан фойдаланиш.

2. Ушбу гуруҳ тамойиллари болаларнинг психофизиологик хусусиятларига таянади, яъни кутубхоначилар ёшига, руҳиятига, ўзига хос хусусиятларига, имконияти, қобилияти, қизиқишига таянади.

3. Бу педагогиканинг анъанавий тамойилларидан бўлиб, болалар ўқишига раҳбарлик қилишнинг барча усул ва воситалари кўرғазмали, қизиқарли ва тушунарли бўлиши билан бирга болаларнинг ўқишда кутубхонадан фойдаланишда уларнинг ташаббусига, мустақиллигига ва билимига таянади [3.8-9].

Бизнингча юқоридаги фикрлар ўринли. Ўқиш маданияти тушунчаси китобга ва билим олишга қизиқиш, унга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, асар билан кенгроқ танишиш, китоб ўқиш жараёнларини тўғри ташкил эта олиш, ҳар қандай ўқиган китоби ҳақида фикр юрита олиш, ундан ўзига тегишли хулоса чиқара олиш, китоб билан ишлашнинг махсус билимига эга бўлиш, китобдан тўлиқ фойдалана олишга ёрдам берадиган кўникма ва малакага эга бўлиш даражаси тушунилади. Ўқиш маданиятини шакллантиришдан кўзланган мақсад - фойдаланувчини асарни тўғри танлай олишга, ундан тўғри фойдалана олишга, тўғри ва аниқ хулоса чиқара олишга, ундаги билимдан ҳаётида тўлиқ фойдалана олишга, муаллиф фикрини, мулоҳазаларини, маълумотини тўғри қабул қилишга, у ҳақда тўғри ва аниқ хулоса чиқара олишга ўргатишдан иборат. Демак, биздан бир аср олдин ҳам ёш авлод тарбиясида билимнинг нечоғлик муҳим эканлигини юқоридаги фикрлардан ҳам англаш мумкин. Халқимизнинг азалий одатларидан бўлган меҳмондўстлик, инсонни қадрлаш ўзаро ҳурмат, меҳроқибат каби қадриятларимиз мавжуд экан, китобларнинг ёнган чироқлари асло сўнмагай. Улар инсонларга бир машъал бўлиб, йўлларини доим ёритиб боришига ишончимиз комил.

Ўқишга ўргатиш оиладан бошланади. Бу ерда бир муаммога дуч келишимиз мумкин. Ҳамма ота-оналар ҳам ўзлари ўқиш маданияти хусусиятларига эга бўлмасликлари, боланинг ёшига мос китобни танлай олмасликлари, фарзандига тўғри, мазмунли ўқиб бера олмасликлари мумкин. Бунинг сабаблари ота-онада бўш вақтнинг йўқлиги, кутубхонага бормаслиги, болалар адабиётини ёқтирмаслиги ёки билмаслиги, етарли маълумотга эга эмаслиги, саводсизлиги, кутубхоначи билан мулоқотда бўлмаслиги, кутубхоначининг ота-она билан ҳамкорликда ишламаслиги ва бошқалар.

Шунинг учун ота-оналар мактаб, коллеж ва лицей ўқитувчилари, тарбиячилар, кутубхона ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши, маслаҳатлашиши зарур. Болаларнинг ўқиш маданиятида учрайдиган камчиликлар: адабиётларни билмаслик, адабиётларни турига кўра ажрата олмаслик (жанр, мамлакат, миллат, халқ, давр нуқтаи назаридан) адабиётнинг қайси билим соҳасига тегишлилигини, китобни қаердан излашни, қандай ўқишни, қаерда ўқишни, маълумот-библиографик аппаратни билмаслик ва улардан фойдалана олмаслик.

Баркамол авлод тарбиясида китобнинг ўрни катта. Агар фойдаланувчилар китобдан унумли фойдалана олса, ундаги билимни ҳаётда, мактабда, коллеж ва лицейда, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида қўллай олса, болалар таълимини ташкил этишда ота-онанинг, оиланинг ўрни бўлса, ўқитувчилар ва кутубхоначилар ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилса, бу вазифа тўлиқ бажарилади.

Китобхонлар ёш хусусиятига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади.

1. Болалик даври 7-9 ёш.
2. Болаликдан ёшликка ўтиш даври 10-11 ёш.
3. Ёшлик даври 12-13 ёш.
4. Ёшликдан ўсмирликка ўтиш даври 14-15 ёш [2.187-190].

7-9 ёшли болалар кутубхонанинг ўзига хос хусусиятига эга бўлган китобхонлар ҳисобланади. 7 ёшли бола жуда кўп нарсаларни билишга қизиқади, лекин ҳали китоб ўқиш техникасини тўғри ўзлаштира олмаган бўлади. Улар тингловчидан ўқувчига айлана бошлайди. Агар кутубхоначи китобни болалар билан бирга овоз чиқариб ўқиб, уларнинг диққатини ўқилган нарсага жалб этиб, тушунтириб берса, болалар уни эслаб қолади. Бу ёшдаги болалар ўзларини ўраб турган атроф-муҳит табиати ва ундаги ҳайвонлар, ўсимликларга қизиқади. Масалан, бошланғич синф ўқувчиларига эртак китоблар улардаги қахрамонлар ҳақида сўзлаб бериш орқали уларга китобга бўлган қизиқиши ва кўникмаларини ҳосил қиламиз.

8-9 ёшдаги 2-3-синф ўқувчилари дунёни англайди, билади. Шунинг учун ҳам уларга бағишлаб ёзиладиган китоблар адабий бўлади. Уларга китоби расмларга бой қилиб безатилган китоблар кўпроқ ёқади. Бу ёшдаги болалар эртаклар, фантастик ҳикояларга жуда ўч бўлади. Кичик мактаб ёшидаги китобхонлар эҳтиёжларини қондириш, уларнинг қизиқишини уйғотишда кутубхоначининг китоб танлашга кўмаклашуви тавсиялари расмий каталоглардан фойдаланишни ўргатиш энг муҳимдир.

Шунинг учун кутубхоначи улар кутубхонага келганда иложи борича улар билан суҳбатлашиш, китобни қандай ўқигани, китоб қандай жихати ёққанини сўраб маслаҳатлар бериш керак.

Кутубхоначи 7-9-синф ўқувчилари билан ишлаган да ўзига хос хусусиятларни яхши билиши керак.

13-15 ёшли ўқувчилар кўп нарсани тушунади, фикрлайди, муносабат билдиради.

Социологик тадқиқотларга кўра 14 ёшли ўқувчилар орасида китоб ўқишнинг роли пасайган бўлади. Чунки ўқувчининг мактабдаги дарслари ўзи танлаган қизиққан машғулотиغا кўпроқ қизиқади. Кутубхоначи китобхоннинг қизиқишини уйғотиб, ривожига йўлбошчилик қилиб, мутолаа маданиятини шакллантириб, тил ўрганиб ишлаши керак.

Юқори синф ўқувчилари эса адабий асарлар, тарихий асарларни кўпроқ ўқиш орқали ватанга муҳаббат, мардлик туйғуларини сингдиришимиз мумкин. Китобхонликни тарғиб этиш мақсадида ижодкор инсонлар, шоир-ёзувчилар билан учрашув кечаларини ташкил этишимиз керак.

Кутубхоначи ўсмирларнинг ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнида кўпинча адабий топишмоқлар (китобдан келтирилган парчани китобдаги расмлар бўйича асар ва унинг муаллифи бўйича аниқлаш) викториналар (китоб мазмуни бўйича болаларда хотира, зеҳн ўткирлигини ўстириш бўйича саволлар бериш) каби шакллардан фойдаланади. Шунингдек китоблар бўйича саёҳат ўйини ҳам қизиқарли. Уларни ўлкашунослик, география, тарих, фан ва техника соҳаларига бағишланган китобларга асосланиб ўтказиш мумкин. Китобхонлар билан ҳамкорликда ўйинларнинг шакл ва методларидан фойдаланиш уларнинг қизиқишини оширади, ижодий ташаббусини бойитади.

Болалар ижодини ривожлантириш учун фонднинг исталган соҳадаги адабиётлар - ёш табиатшунослар, Математиклар, Физиклар, Кимёгарлар ўлкашунослик ва бошқа ёрдамчи китоблар билан тўлдириб борилишига жиддий эътибор беришимиз керак. Мисол тариқасида ёғоч ва металлга ишлов беришга оид китоблар, ёш ўсимликшунос ва чорвачиликка оид амалий ёрдам берувчи китоблар, рассомларга расм чизиш, бўёқларни танлаш техникаси ва бошқа ёрдам берувчи китоблар китобхон ўқувчининг қизиқишига боғлиқ ижодий қобилияти ва истеъдодларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Ривожланган мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ. Чунки бугунги ёшлар эртанги келажагимизнинг асосчиларидир. Бундай ёшларни тарбиялаб етиштириш олдимизда турган энг асосий вазифалардан биридир. Дарҳақиқат, китобхонлик маданиятини ошириш давр талаби.

Китап оқыў нервти тынышландырады.

Китап оқыў уйқысызлықтан қутылыўға жәрдем береді.

Китап оқыў қэлбти жумсатады.

Китап оқыў мий искерлигин жақсылайды.

Китап оқыў түскинликке қарсы гүресийге жәрдем береді.

Китап оқыў инсанды гөззалластырады.

Китап оқыў өмирдеги мақсетти аңлаўға ҳам қыйыншылықларды жеңийге жәрдем береді.

Китап оқыў еслеў қәбилетин ҳам пикирлеўди жақсылайды.

Китап оқыў сөз байлығын асырады.

Китап оқыў жазыўшылық қәбилетин раўажландырады.

Китап оқыў шет тилин үйрениўди аңсатластырады.

Китап оқыў тыңлаў қәбилетин раўажландырады.

Китап оқыў дәретиўшилиқ қәбилетин раўажландырады.

Китап оқыў жақсылық етиўге шақырады.

Китап оқыўтуғын инсанлар өмирде ҳәрекетшең болады.

Келешегимиз болган балаларымыздын камил инсан болып жетилисиуинде щларда инсаний сезимлердин калиплесиуинде адебий шыгармалардын орны жуда улкен. Балаларды китап окууына багдарлау олардын китап окууына сай к

Китапларды усыныс етиу оларда китапка деген кызыгышылыгын арттырыуымыз окуу конликлелерин пайда етиуимиз керек. Солай екен хар куни китап окууды озине адет кылган хар бир бала ен тууры карарды кабыл еткен болады.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида, ПП-3271-сон, 2017 й.13 сентябрь, “Халқ сўзи” газетаси, 2017 й. 15 сентябрь
2. Davlatov S.X. va b. Kutubxonashunoslik Kitaphanataníwshílíq (oqíw qollanba). Tashkent: Firdavs-shoh, 2023. – 374 b.
3. Йулдошев Э. Кутубхона ва ёш китобхон. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 196 б.

